12 6 ... 1982

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 164 (4859).
23 ИЮЛЬ 1982 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Меҳнат семестри—82

МУСОБАҚА САМАРАСИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тарих факультетининг бир группа студентлари «Тарихчи—82» студент қурилиш отрядини тузиб Қарши шаҳридаги 13-қурилиш трестига қарашли 2-қурилиш монтаж бошқармаси қурувчиларига ёрдамга келдилар. Ўқув йилини муваффақиятли тамомлаган студентлар ёзги меҳнат семестрида ҳам аъло меҳнат қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Отряд қурувчи-студентлари 80 минг сўмлик иш бажариш учун қурувчилар билан шартнома тузган эдилар. «Шонли меҳнатимиз сенга —Ватаним» шиори остида ишлаётган қалби олов студентлар 80 минг сўм ўрнига 85 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятини олдилар. Бу юксак мажбуриятни бажаришда отряднинг ҳар бир студенти зарбдорчасига меҳнат қилмоқда.

Меҳнатнинг янада самарадор бўлиши учун отрядда бригадалар ўртасида социалистик мусобақа ташкил қилинган бўлиб, мусобақа якунлари ҳар ўн кунда кўриб чиқилади. Кўриб чиқилган биринчи ўн кунлик якунларига кўра Ш. Шоймардонов бошлиқ биринчи бригада ва С. Минавваров бошлиқ учинчи бригада ғолиб деб топилди. «Тарихчи—82» студент қурилиш отряди комсомоллари СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзларининг бор куч ва имкониятларидан фойдаланиб меҳнат қилмоқдалар. Отряд студентларининг муваффақият билан меҳнат қилишларида отряд комиссари Н. Қувватов ва отряд командири С. Болтаевларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

О. САИДОВ.

Долзарб мавзу

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ АРАФАСИДА...

Кунларнинг бирида кекса ўқитувчини махсус предметдан лекциялар курсини ўқиш учун Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига таклиф этишди. У лекцияларни ўқиди, сессия пайтида эса белгиланган кунда имтиҳон олгани келди.

— Мумкинми? — аудитория эшигидан группа бошлиғи бўлган студент мўралади.

— Киринг, киринг,— деди мулозамат билан ўқитувчи. — Билет олинг.

Лекин студент столдан билет олиш ўрнига ўқитувчининг олдига конверт қўйди.

— Бу нима? —деб ҳайрон бўлиб сўради ўқитувчи. Конвертнинг ичидаги пул экаплигини билгач эса, — уни ҳар бир студентдан 10 сўмдан йиғишган эди, — дарҳол ректоратга югурди.

Учар студентни институтдан ҳайдашди, группада йиғилиш ўтказишди. Лекин айрим ёшлардаги бундай ярамас хатти-ҳаракатларнинг асл сабабчилари ўзимиз, ота-оналар эмасмиканмиз? Пул билан ҳамма нарсани қилса бўлади, деган фикрнинг пайдо бўлишига оила бошлиқлари сабабчи бўлмаяптимикан? Биз болалар боғчалари тарбиячиларига, мактаб ўқитувчиларига, олий ўқув юртларининг домлаларига «миннатдорчилик» билдиришга ўрганаяпмиз. Болаларимиз ҳаётини енгиллаштиришга интилиб, баъзида виждон амрига хилоф ишлар қиламиз.

Бу йил ўрта мактабни битирган кўпгина 10-синф ўқувчиларининг ёлланган ўқитувчилари бор. Албатта, педагоглар назоратидаги машғулотнинг ижобий томони бўлади, предметни чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Лекин ўқитувчи ёллаш шу даражада безиён, бегидир ишмикан? Кўпчилик ота-оналар ёллайдиган ўқитувчиларини болалари қайси олий ўқув юртига кирмоқчи бўлса, ўша жойдан топишга ҳаракат қилишаяптику. Шундай қилиб ёлланма ўқитувчилик қилиш кишн билмас порахўрликка айланиб бораяпти. Эҳтимол шу ўқитувчи қабул комиссиясига аъзо бўлиб қолар ёки шогирдига эътибор беришни ҳамкасбидан илтимос қилар. Бир одамнинг илтимоси, иккинчи одамнинг бу илтимосга йўқ деёлмаслиги: «Студентлар имтиҳон топшириш учун зачёт дафтарчаси орасига пул солиб киришади», «Оналар болалари институтга кираётган пайтда керакли одамга бериш учун пул тўплашади...» сингари нохуш гап-сўзларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шу йўсинда битта-иккита кишининг виждонсизлиги кўплаб ажойиб кишиларнинг обрў-эътиборига путур етказмоқда. Бу кишилар давримизга муносиб ажойиб мутахассисларни тарбиялаш билан машғул бўлиб, баъзида атрофларида бўлаётган «олди-сотдини» пайқамай ҳам қоладилар. Зотан улар бу ҳодисалардан ўн баҳя юқоридирлар. Бу кишиларнинг мақсади ёшларни ижодкор, маънавий баркамол, ҳар томонлама етук шахслар қилиб тарбиялашдан иборат.

Ота-оналар эса бундай хатти-ҳаракатлар катта ҳаётга қадам қўяётган ўн етти ёшли йигит ва қизларда қандай фикр ва хулосалар пайдо қилиши ҳақида ўйлаб кўрсалар бўларди.

Бир томондан, албатта, болаларимизга олий маълумот беришга интилаётганлигимиз яхши. Лекин уларнинг ўзи илмга интилмаса, илм чўққиларини эгаллаш учун зарур бўлган меҳнатсеварлиги ва қатъиятлилиги билан ажралиб турмагани ҳолда, қандай касбни танлашини сиз белгиласангиз. Бунинг қандай нафи бор?

Тошкент Давлат университети химия факультетининг биринчи курсида таълим олаётган Г. Пашков редакциямизга мана бундай деб ёзибди: «Кимёгарлик касби менга ёқмай қолди. Ўқишимни Тошкент Давлат медицина институтига ўтказиш учун нима қилишим кераклигини айтиб беролмайсизми? Мен бундай ишларга рухсат берилишини биламан: бизда икки студент: бири журналистика факультетидан, иккинчиси шарқ факультетидан шу институтга ўтиб кетишди». Мана сизга касб танлаш масаласидаги таажжубланарли аҳвол!

Олий ўқув юртларига ҳамиша ҳам энг муносиб ёшлар қабул қилинмаётганлигидан квартираларга ўғриликка тушиш билан шуғулланган бир гуруҳ ёшлар устидан яқинда бўлиб ўтган суд ҳам гувоҳлик беради. Жиноят курсисига ўтирган 11 кишидан 6 нафари Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти, Тошкент политехника институти, Тошкент алоқа электротехника институти, авиация техникуми студентлари эди... Ўзининг келгусидаги касбига чинакам қизиққан, меҳнатсеварлиги, яхши ахлоқ-одоби билан ажралиб турган кишилар шундай жиноятга қўл урган бўлармидилар? Бу демак, ўз лаёқатига қараб эмас, ота-она маслаҳати билан касб танлаш мана шундай кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин.

Республика олий ўқув юртларида студентлар аудиторияларига истеъдодли, яхши тайёрланган, ижодий меҳнатга лаёқати бўлган ёшларни жалб этиш бўйича кўп ишлар қилинаяпти. Ўқитувчилар, комсомол ташкилотларининг вакиллари мунтазам республика областларида бўлиб, ёшларнинг касб танлаши бўйича катта ишларни амалга оширишаяпти. Институтлардаги очиқ эшиклар кунлари, физика, химия, математика бўйича олимпиадалар ўтказиш, мактаблар қошидаги машғулотлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари раҳбарлигида ўтадиган тўгараклар, шунингдек энг қобилиятли ўқувчиларни студентлар конструкторлик бюросига жалб этиш тобора кенг ёйилмоқда.

Олий ўқув юртлари коллективлари бундай ишларни тобора такомиллаштирмоқдалар. Жумладан, Тошкент алоқа электротехника институтида мана икки йилдирки, ўз-ўзини текшириш хонаси ишлаб турибди. Кириш имтиҳонлари бошлангунга қадар абитуриентлар билимлари олий ўқув юртига кирувчилардан талаб қилинадиган даражадами ёки йўқмилигини аппаратларда текшириб кўришади. Бу аппаратлар совуққонлик билан жавобларга «аъло», «яхши», «қониқарсиз» баҳо қўяди ва шу билан йигит ва қизларнинг тайёргарлик даражасини айтиб беради.

Олий ўқув юртларидаги кириш имтиҳонларига саноқли кунлар қолди. Қабул комиссияларида иш қизғин. Справкалар хизмати ҳам ишлаб турибди. Кўпгина олий ўқув юртларида илм чўққиларини эгаллашга аҳд қилганлар билан консультациялар ўтказилаяпти, кўпгина олий ўқув юртларида «Абитуриент» автоматлашган бошқарув системаси ишлаб турибди. У иш куни тугагандан кейин бир неча минут ўтгач, қабул билан боғлиқ барча масалалар бўйича тўлиқ ахборот беради.

Бу йил ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун республика олий ўқув юртларига 32.550 йигит ва қиз қабул қилинади. Кундузги, кечки, сиртқи бўлимларга 53.850 киши қабул қилинади. Бундан ташқари Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига қарашли ўрта махсус ўқув юртларига 92 минг киши қабул қилинади.

Шундай қилиб олдинда инженер, врач, педагог, иқтисодчи ва бошқа касбларни эгаллашга аҳд қилганлар учун конкурс синовлари турибди. Омад ёр бўлсин сизга, 1982 йил абитуриентлари!

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

•Саноат хроникаси

ЗАРБДОР ШИОР ОСТИДА

«Госкомсельхозтехника» га қарашли Қуйлиқ тажриба-ремонт механика заводининг меҳнатсевар коллективи шу кунларда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқда. Корхонанинг гидропресслар тайёрлаш цехи ишчилари эришаётган муваффақиятлар, айниқса, қувончли бўлмоқда. Бу ерда 110 киши меҳнат қилади. Цех коллективининг кўпчилик қисмини тажрибали ишчилар, меҳнат ветеранлари ва коммунистик меҳнат зарбдорлари ташкил этади. 50 дан ортиқ ишчи буюк мамлакатимиз юбилейини беш йилликнинг учинчи йили планини бажариш билан кутиб олиш учун фидокорлик кўрсатмоқда. Т. Мирзаев, Н. Писчасов, Э. Мирзаев, Ҳ. Талхидов, А. Назаренко, Х. Расулов, Ю. Яндринский ва В. Казачков сингари жонкуяр ишчилар ана шу муборак санага бағишланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Бу илғорлар «Зарбдор меҳнатимиз — СССР 60 йиллигига!», «Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб оламиз!» шиорлари остида жонбозлик кўрсатишмоқда. Меҳнат унумдорлигини кун сайин ошириб бориш эса — цех коллективининг умумий зарбдор шиоридир.

Цех ишчилари йил охиригача пландаги 3800 та ўрнига 4050 та юқори сифатли пресслар тайёрлаб бериш учун ғайрат кўрсатмоқдалар.

Тошкент тепловоз депоси участкаларида кўплаб ўз ишининг усталари, коммунистик меҳнат зарбдорлари меҳнат қилишади. Ҳ. Шорасулов ва В. Каргапольцев ана шундай фидокорлардан саналади. Бу жонкуярлар бир беш йилликда ўн йиллик планни дўндириш учун сидқидилдан курашмоқдалар.

СУРАТДА: меҳнат пешқадамлари Ҳ. Шорасулов ва В. Каргапольцев. В. Сиротинин фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ СССР Министрлар Советининг 21 июль куни бўлиб ўтган мажлисида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССР Давлат бюджетининг 1982 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисидаги, шунингдек 1982—1983 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

△ 1982 йил 21 июль куни Совет Иттифоқида навбатдаги алоқа йўлдоши «Молния1-» учирилди. «Молния-1» алоқа йўлдоши олис телефон-телеграф радиоалоқа системасидан фойдаланишни, шунингдек СССР Марказий телевидение программаларини чекка Шимол, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё районларида жойлашган «Орбита» тармоғи пунктларига узатиш учун мўлжалланган.

△ 1982 йил 21 июль куни Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдошлари — «Космос-1388», «Космос-1389», «Космос-1390», «Космос-1391», «Космос-1392», «Космос-1393», «Космос-1394», «Космос-1395», учирилди.

ТАЛАБ ОРТЯПТИ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган кенг истеъмол буюмларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Радио, телевизорлар антенналарини ўрнатишга мўлжалланган мосламалар, турли кўламдаги симлар, узайтиргич шнурлар корхонада кўп миқдорда ишлаб чиқарилмоқда. Автомобилчилар эҳтиёжини ҳисобга олиб, бу ерда хилма-хил автосервис буюмлари ҳам тайёрланмоқда.

Корхона коллективи мамлакатимизнинг қутлуғ айёми йилида яна иккита кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, уларнинг юксак сифатлилигини таъминлашга сўз берган. Айни пайтда ана шулардан бири ишлаб чиқаришга жорий этиш арафасида турибди. Бу ерда, шунингдек, хом ашё чиқиндиларидан жисмоний тарбия машқларини бажаришда қўл келадиган спорт буюмлари ҳам кўплаб тайёрланмоқда.

Юбилей йилида бирлашма 6,6 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаради.

СИБИРЬ ГЕОЛОГЛАРИГА

БУГУН

пойтахтимиздаги «Геологоразведка» заводи Сибирь геологларига буюртма асосида тайёрланган маҳсулотларнинг катта туркумини жўнатди. Кавлаш асбоблари ва ўнлаб хилдаги эҳтиёт қисмларни корхона ўз буюртмачиларига мунтазам жўнатиб туради. Республикадан ташқари чиқариладиган завод маҳсулотларининг 60 проценти айни пайтда сибирлик геологлар учун мўлжаллангандир.

Бундан ташқари корхона «Леннефтегазгеология», «Иркутскгеология», «Бурятгеология», «Крымгеология» бошқармаларининг буюртмаларини ҳам ўз вақтида бажариб келмоқда.

Советлар мамлакатининг шонли юбилейи нишонланадиган йилда корхона Монголия, Лаос, Чехословакия, Афғонистон сингари ўнлаб хорижий мамлакатларга ҳам кўп миқдорда маҳсулот чиқаради.

• *Қишлоқ — шаҳарга*

СТУДЕНТЛАР ҲИММАТИ

Тошкент область, Калинин районидаги Ю. А. Гагарин номли мевачилик-узумчилик совхози меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларини изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этмоқдалар. Совхознинг олмазор ва олхўризор боғларида ҳозирги кунда ширин-шакар мевалар ғарқ пишган. Совхоз меҳнаткашларига яқиндан йиғим-терим мавсумида ёрдам кўрсатиш учун Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти студентларидан иккита қишлоқ хўжалик отряди коллективлари ҳашарга чиқишди. Француз тили факультетининг ўқитувчи М. Абросимов ва немис тили факультетининг ўқитувчи О. А. Югай раҳбарлигидаги отряд аъзолари комсомолчасига меҳнат қилиб, киши бошига кунига 200—250 килограммдан олма ва олхўри териб беришмоқда. Студентлардан С. Валиева, Ш. Саидова, Ш. Қаршиева, Р. Евгашева, Г. Атанова, Ф. Усмоновалар кунлик нормани 1,5—2 баравар ошириб бажариб, тенгдошларига намуна бўлмоқдалар.

Июл — август ойларида ҳар бир ҳашарчи совхозга камида 5—10 тоннадан мева териб беришга қарор қилган.

К. ЖУМАНИЕЗОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ТОШКЕНТНИНГ ЎТМИШИ ҲАҚИДА

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги қатор маҳаллаларда Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи олдидан кўпгина тадбирлар ўтказилмоқда. Райониинг «Иттифоқ», «Мевазор», «Янги ҳаёт», «Гуручариқ» сингари маҳаллаларида ана шундай яхши анъаналар ўтказиш одат тусига айланган.

Куни кеча районнинг «Мевазор» маҳалласида Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган савол-жавоб кечаси ўтказилди. Кечага маҳалла активлари, ишчи-хизматчилар, ёшлар тўпландилар.

Кечада Тошкент Давлат университетининг доценти Абдужаббор Кабиров қатнашиб, Тошкент шаҳрининг тарихий ўтмиши ҳақида сўзлаб, йиғилганларнинг саволларига жавоб берди.

Қизиқарли ўтган суҳбат сўнггида Горький номли маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари концерт қўйиб бердилар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

БОЛАЛАР ҲАҚИДА КЎПРОҚ ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАЙЛИК

Халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов раислигида ўтди.

Дастлаб болалар учун мўлжалланган товарлар савдосини ташкил этишни яхшилаш масаласи кўрилди. Савдо Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. Л. Горенковнинг ҳисоботида таъкидландики, кейинги пайтда болалар учун буюмлар ишлаб чиқариш кўпайди, ассортименти кенгайди ва сифати яхшиланди. Шу буюмлар савдосини ташкил этиш яхшиланмоқда. Жумладан, бешта йирик савдо корхонасини бирлаштирувчи «Болалар дунёси» фирмаси ташкил этилди. Мактаб бозорлари, савдо виставкалари, харидорлар эҳтиёжларини ўрганиш бўйича савол-жавоблар тез-тез ўтказилмоқда.

Айни пайтда ижроия комитет мажлисида таъкидландики, болалар ассортиментидаги буюмлар ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражаси ва уларни сотиш аҳолининг ўсган талабларига ҳали тўла жавоб бермайди. Айрим саноат корхоналари паст сифатли товарлар ишлаб чиқаришни давом эттирмоқда. «Болалар дунёси» фирмаси фақат олти ойда ишлаб чиқарувчилардан 150 минг сўмликдан ортиқ жарима тўлашни сўради. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарор қабул қилиб, унда халқ депутатлари район Советларига болалар ассортиментидаги буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини координациялаш ишини кучайтиришни, планлар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳақида хўжалик раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб боришни топширди.

Кейин шу йилнинг 7 июлида «Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилинган «Шикоят дафтарини беринг!..» мақоласи муҳокама этилди. Газета мақоласи долзарб эканлиги ва болалар боғчалари ишини яхшилашга ёрдам беришни кўрсатиб ўтилди. Мақолада келтирилган барча фактлар тўла тасдиқланди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг халқ маорифи бўйича доимий комиссияси мактабгача болалар муассасаларининг сабзавотлар ва мевалар билан таъминланишини текширишга қарор қилди.

Ижроия комитет мажлисида Тошкент лак-бўёқ заводида меҳнат, хом ашё, материаллар, ёқилғи ва электр энергиясини тежаш учун янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича ишлар кўриб чиқилди. Шунингдек, Куйбишев район Совети ижроия комитетининг раиси Ш. У. Саидов, соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи К. С. Тўлагановнинг пойтахтнинг Куйбишев районида медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича ҳисоботлари тингланди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак кўрсаткичларга эришганликлари, ижтимоий ҳаётда актив қатнашганликлари учун ҳамда савдо ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими» фахрий унвони берди:

Ислямова Сидиқа — Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг бўлим мудири.

Сафаров Зокир Содиқович — Центросоюзнинг меҳнатни илмий ташкил этиш, бошқариш ва рационализациялаш марказий институти Ўзбекистон марказининг директори.

Шарипов Ҳабибулла Раҳматович — Тошкент шаҳар «Текстильшвейторг» директори.

* * *

Республика давлат ва кооператив савдоси социалистик мусобақа илғорларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

«Шуҳрат» мактаб-магазинида СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллиги ва республикамизнинг жонажон пойтахти Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган «Ўн беш қардош сингилнинг бири, ёруғ юлдузи — совет шарқи, гуллабяшна!» деган мавзуда ижодий кеча бўлиб ўтди.

Унда СССР Ёзувчилар союзи ва СССР Кинематографчилар союзи аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Тақдир китоби» автори Г. И. Марьяновский, «Борса келмас» асари автори ўзбек ёзувчиси Ж. Абдуллахонов ва ёш шоир Э Д. Забегаевлар иштирок этишди.

Бугунги кунда Тошкентда 1173 та китобсеварлар жамияти бўлиб, улар ўз сафига 156 минг китобсеварни бирлаштирган. Кейинги уч ой мобайнида 450 тага яқин лекция, 155 та китобхонлар конференцияси, халқ хўжалиги мутахассислари ва ишлаб чиқариш илғорлари, таниқли фан ва маданият, санъат арбоблари билан 250 та учрашув бўлиб ўтди. Пойтахт китобсеварлари жамиятлари ёрдами билан Иттифоқ ва республика аҳамиятидаги комсомол зарбдор қурилишларига 2.620 та умумий-сиёсий ва бадиий китоблар тўпланиб, жўнатилди.

Тошкент шаҳридаги энг фаол ташкилотлардан бири — бу Акмал Икромов район китобсеварлар жамиятидир.

Р. САИТОВА.

АГРЕССОР ТЎХТАТИЛСИН!

Ливанда Исроил агрессорлари бошлаган қонли босқинчиликка қарши норозилик тўлқинлари Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида кенгайиб бормоқда. Кўп кишилик митингларнинг қатнашчилари босиб олинган ерлардан оккупантларнинг дарҳол чиқиб кетишларини талаб қилмоқдалар.

21 июль куни Ильич номли «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги тажриба-механика заводида бўлиб ўтган митингда мастер А. Хабибуллаев сўзга чиқиб бундай деди:

— Тель-Авив йўллаган қотиллар Ливан диёрида ажал ва вайронгарчилик уруғини сочишни давом эттирмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Америка президентига қилган мурожаатида айтганидек, бугунги кунда Ер юзида биронта ҳам софдил киши Байрутда ҳалок бўлаётган одамларнинг тақдирига бефарқ қараб тура олмайди. Шу боисдан биз Ливан пойтахти қамали дарҳол бекор этилишини, босиб олинган территориялардан агрессор қўшинларининг сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қиламиз.

* * *

Тошкентдаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника институтида, «Ташгипрогор» лойиҳалаш институтида ва Ўзбекистондаги бошқа муассасаларда ҳам Исроилнинг Ливандаги агрессиясига қарши норозилик митинглари бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

Телетайп лентасидан

△ **ДЕҲЛИ.** Нефть ва табиий газ бўйича Ҳиндистон давлат комиссияси нефть қазиб олиш жиҳатидан рекорд даражага эришди. ПТИ информация агентлигининг хабар беришича, ана шу энг йирик давлат корпорациясининг нефтчилари апрель ойида бошланган 1982 — 1983 молия йилининг биринчи кварталида 4,1 миллион тонна «қора олтин» қазиб чиқардилар. Бу эса ўтган йилнинг тегишли кўрсаткичидан 34 процент кўпдир.

Олтинчи беш йилликда (1980—1985 йиллар) Ҳиндистонда нефть қазиб чиқаришни икки баравардан зиёд кўпайтириш мўлжалланмоқда. Республикада нефть саноатини ривожлантиришда Совет Иттифоқи катта ёрдам бермоқда.

△ ПАРИЖ. Гана Миллий мудофаа Муваққат кенгашининг энг муҳим вазифаси туб ислоҳотлар йўли билан Ганада одам-одамни эксплуатация қилишга барҳам беришдан иборатдир, деди Миллий мудофаа Муваққат кенгашининг раиси Жерри Ролингс «Африк-Ази» журнали мухбири билан суҳбатда. Уюшган халқ оммаси ўшандагина давлатни бошқаришда қатнашиб, ўз тақдирини ўзи белгилай оладиган бўлади, деб таъкидлади.

Аввалги чиркин ғарбпараст режимдан мамлакатга мерос бўлиб қолган мураккаб шароитларда, деб уқтирди Муваққат кенгаш раиси, биз миллий экономикани юксалтириш, республикада қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқаришини кўпайтириш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишимиз керак. Ана шу мақсадларга эришиш учун биз баъзи корхона эгаларининг саботажига қарши, контрабандага ва ҳар хил молиявий қаллобликларга қарши қатъий курашмоқдамиз.

△ **РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилиялик олтин изловчи Натал Ди Соуза Амазонка чакалакзорлари районларидаги Серра-Пелада олтин конида 7,6 килограмм вазндаги олтин ёмби топган. Бу Бразилияда ҳозирги кунгача топилган ёмбиларнинг энг каттасидир.**

Бразилиядаги энг бой Серра-Пелада олтин кони бундан икки йил муқаддам топилган эди. Шу вақт мобайнида бу ерда 10 тонна қимматбаҳо металл қазиб чиқарилган.

△ ТОКИО. Японияниг Окинава ороли округ суди АҚШнинг Кэмп-Хансен ҳарбий базасидан Америка денгиз пиёда аскари К. Гедемаркни маҳаллий аҳолидан бир кишини ўлдирганликда айблаб, ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Шу йилнинг март ойида америкалик солдат дам олиш учун чиққанида полигонга яқин жойлашган қишлоқда маст ҳолда тўполон кўтарган. Аҳоли ҳаддидан ошган жанжалкашни тартибга чақиришга уринганида, солдат уларнинг бири — қирқ саккиз ёшар Колзе Сиромага ташланиб, уни ваҳшиёна ўлдирган.

(ТАСС).

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми хатлар

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — АМАЛДА

Муҳим вазифа

СЎЗ — ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИГА

Партия Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида»ги доклади ҳаммамизда чуқур таассурот қолдирди. Уларда баён этилган қоида ва хулосалар ҳар биримизнинг олдимизга ғоят муҳим вазифа — Озиқ-овқат программасини амалга оширишга конкрет ҳисса қўшиш вазифасини юкладн.

Бу программанинг мақсади, унда баён этилган тадбирларнинг мақсади имкони борича қисқа муддатларда мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан пухта таъминлашдан иборат. Бунинг фақат иқтисодий вазифагина эмаслигини, балки актуал сиёсий вазифа эканлигини яхши тушунамиз. Партия ва ҳукуматимиз биз, совет кишиларининг ҳаётий талаб эҳтиёжларини қондириш йўлида кўрсатаётган катта ғамхўрлигига жавобан биз амалий иш билан жавоб берамиз.

Цехимизда бўлиб ўтган партия йиғилишида энг аввало ана шулар ҳақида қизғин гап борди. Озиқ-овқат программаси ҳар бир коммунист ва ишчидан бутун куч-ғайратни сафарбар этишни талаб этади.

Корхонамиздаги сингари цехимизда ҳам конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу асосан қишлоқ меҳнаткашлари буюртмаларини ўз вақтида ва аъло сифатли адо этишдан иборатдир. Шуни айтиш кифояки, бизнинг цехимиз коллективи 18, 31-цехлар ва бошқа меҳнат коллективлари қаторида мамлакатимиз юбилейи шарафига ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бормоқда. Бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Ҳар бир иш дақиқасидан унумли фойдаланиш, барча ички резервларни ишга солиш, энг муҳими эса меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усулини кенг ёйиш туфайли эришилмоқда.

Коммунистларнинг шахсий намуна кўрсатиб ишлашлари ютуқларимизнинг гарови бўляпти. Улар КПСС Марказий Комитети май Пленуми белгилаб берган СССРнинг Озиқ-овқат программаси КПСС XXVI съезди қарорларини конкрет равишда рўёбга чиқариш эканлигини чуқур тушуниб, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни сидқидилдан адо этмоқдалар. Александр Шпаков, Муҳаммаджон Туропов сингари кўплаб беш йиллик зарбдорлари ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан коллектив ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқдалар.

Бизнинг корхонамиз фаолияти бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам коллективимизнинг шу кунлардаги ғайрат-шижоати қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини етиштиришни кўпайтиришга қаратмоқда.

В. СОТНИКОВ,
Тошкент трактор заводи 7-цехи партия ташкилотининг секретари.

КАСАБА СОЮЗЛАРИ ҲАЁТИДАН

УНУМЛИ МЕҲНАТ ГАРОВИ

Қайси корхона ёки ташкилотда ишчи ва хизматчиларнинг дам олиши ҳақида яхши ғамхўрлик қилинса, ўша ерда иш унумли, маҳсулот сифатли бўлади. Шу боисдан Тошкент тўқимачилик комбинати касаба союз ташкилоти тўқимачиларнинг, уларнинг фарзандларининг ёзги дам олишига алоҳида эътибор бермоқда.

Айни кунларда комбинатнинг 200 дан ортиқ ишчи ва хизматчиси мамлакатимизнинг турли жойларидаги шифохоналарда саломатлигини мустаҳкамламоқда. Ўтган ойларда эса 150 дан ортиқ киши «Ботаника», «Чинобод» шифохоналари ҳамда Сочи ва Ялтадаги шифохоналарда мириқиб ҳордиқ чиқарди. 250 дан ортиқ ишчи ва хизматчи дам олиш уйларида бўлди.

Мусобақа ғолибларидан 60 дан ортиқ киши имтиёзли йўлланма билан хорижий мамлакатлар ва иттифоқимиз бўйлаб уюштирилган сафарга чиқди.

Комбинатнинг Тошкент денгизи соҳилидаги дам олиш зонаси йил сайин кенгайиб, гўзаллашиб боряпти. Ана шунинг учун ҳам бу ерда ҳордиқ чиқарувчилар сони йил сайин ортиб боряпти. Бу ерда шанба ва якшанба кунлари 250—300 киши оилавий дам олиб қайтиши учун ҳамма шароитлар яратилган.

Комбинат қошидаги пансионатда ҳам юзлаб кишилар ўз саломатликларини яхшилаб олаяптилар. Айрим беморларга касаба союз ташкилоти ҳисобидан бепул пархез таомлар бериляпти.

— Комбинатнинг сўлим ва хушманзара «Текстильщик» пионер лагери бу йил янада гўзаллашди. Лагерни намунали ҳолга келтириш ҳамда ободонлаштириш учун 60 минг сўм сарфланди. Бу ерда ёз давомида салкам 2 минг ўғил ва қиз ҳордиқ чиқаради, — дейди комбинат касаба союз комитетининг раиси Эркин Ҳамидов.

С. СУЛТОНОВ.



«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлари КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш борасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Сиз мана бу фотолавҳада бирлашма 5-цехининг илғор машинасозлари — йиғувчи-слесарлар Иван Готфрид, Виктор Снигерёв ва мастер Ҳасан Турсуновларни кўриб турибсиз. Бу бригада ишчилари беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилишган.

• *Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида*

ЮКСАЛИШ НАМОЙИШИ

Турфа рангда товланиб кўзни қамаштираётган атласлар, серқуёш Ўзбекистонимиз баҳоридек гўзал ва кишини ўзига мафтун этадиган шойи ва ип газламалар, барчанинг дидига мос тикилган хушбичим пальто ва костюмлар, трикотаж буюмлари, уй жиҳозлари, турли хил ичимлик, ширинликлар, нон ва нон маҳсулотлари виставканинг кўрки бўлиб турибди. Буларнинг барчаси халқимиз учун кундалик турмушда асқотадиган зарур буюмлар ва маҳсулотлардир.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига келган ҳар бир зиёратчи Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли бўлимни кўздан кечирар экан ҳаммаси инсон учун яратилган ушбу буюмлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўриб кўзи қувонади. Кўргазмада саноатимизнинг, жумладан енгил, озиқ-овқат, маҳаллий, мебелсозлик ва бошқа шу каби кўп қиррали тармоқларида кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, уларнинг сифатини юқори даражага кўтариш соҳасида қилинаётган ишлар ўз аксини топган. Экспонатлар республикамиз аҳолиси эҳтиёжини мукаммал қондириш учун хизмат кўрсатаётган тармоқларда ривожланиш жадал суръатлар билан бораётганини кўрсатувчи яққол далилдир. Аҳоли сонининг ўсиб бориши билан қатор серталаб маҳсулот турларини тезкорлик билан ишлаб чиқиш кескин ортиб бормоқда. Мисол тариқасида олганда республикамизда тўқимачилик ва тикувчилик тармоқлари ривожланган бўлиб, ипак газламалар ишлаб чиқариш етакчи ўринлардан бирида туради. Ўнинчи беш йилликнинг охирига келиб биргина ипак газламалар ишлаб чиқариш 124,6 миллион метрга етди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Ушбу рақамларга эътибор берсак — 1975 йилда республика меҳнаткашларига 46,5 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилган бўлса, 1981 йилга келиб, бу рақам 278,1 миллион сўмни ташкил этади.

Кўргазмани кўздан кечирар эканмиз партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш борасида тинмай ғамхўрлик қилаётганининг гувоҳи бўламиз. Совет ҳокимияти йилларида республикамизда пойафзал ишлаб чиқариш кенг миқёсда ташкил этилди. Ҳозирги вақтда 3 та бирлашма ва 17 корхона ишлаб турибди.

1940 йилда Ўзбекистон бўйича 3,8 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқарилган эди. Ишлаб чиқаришда бажариладиган кўпгина иш услублари қўл меҳнати билан амалга ошириларди. Қисқа муддат ичида фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида 1981 йилга келиб тайёрланган пойафзал сони 394 миллион жуфтга етди. Мебель ва чинни буюмлар ишлаб чиқариш 50 процентга кўпайди. Айниқса, чинни идишлар тайёрлашда эришилган кўрсаткичлар мақтовга сазовордир. 1975 йилда тайёрланган чинни идишларнинг миқдори 13,58 миллион сўмни ташкил қилган эди. Чинни маҳсулотларини тайёрлаш ва сифатини яхшилаш 1980 йилга келиб 2 маротаба ошди. Ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб 51,4 миллион сўмлик чинни маҳсулотлари ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Ўлкамизнинг жилоси акс этиб турган Ўзбекистон чиннилари Чехословакия, ГДР, Венгрия, Югославия ва Канадада бўлиб ўтган халқаро ярмарка ва кўргазмаларда бир неча бор иштирок этиб, уларнинг фахрли ёрлиқларини олишга муяссар бўлган.

Кўргазма диорамаларининг бирида озиқ-овқат саноатининг ривожланиш даражаси кўрсатилган. 1924 йилда ишлаб чиқарилган ялпи озиқ-овқат маҳсулотлари 8 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 1981 йилда эса аҳоли дастурхонига 996,7 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Республикамизда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини ошириб бажарилишини таъминлаш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг сифатини яхшилаш йўлида ҳам муттасил иш олиб бормоқда. Барча корхоналарда сифатни комплекс бошқариш системалари жорий қилинган. Кўргазмада намойиш қилинаётган маҳсулотларнинг деярли барчасига давлат Сифат белгиси берилган.

Партиямизнинг Озиқ-овқат программасини кенг кўламда амалга оширишда республикада умумхалқ ҳаракати авж олмоқда. Шунга биноан республикамизда ишлаб чиқарилган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари мамлакатимизнинг 7 та қардош республикасига жўнатилади. Аҳолининг турли-туман маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш ана шу программанинг асосий мақсадидир. Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ташкил қилинган кўргазмада шу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳам кенг планда ўз аксини топган.

К. ҚОБИЛОВ.

СУРАТДА: кўплаб кенг халқ истеъмоли буюмларн тайёрлаб бераётган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқув цехи илғор тўқувчиларидан комсомол аъзолари (чапдан-ўнгга) Мавжуда Файзиева ва Машкура Хантовалар тасвирланган. Бу ишчилар мунтазам равишда смена-ойлик топшириқларини 120—130 процентга етказиб адо этадилар.

• *Янгича анъаналар — ҳаётимиз кўрки*

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Доруломон замонамизда ҳар бир оила фаровон ва дастурхони тўкин. Кишиларнинг маданий савияси ўсиб, турмушда янги урф-одатлар, анъаналар қарор топмоқда. Шундай замонда орзу-ҳавас билан тўй қилиш, қариндош-уруғларни чақириш ҳар бир хонадонга ярашади. Лекин мен дангиллама тўй қилдим, деб етти маҳаллага жар солиш, ноз-неъматларни беҳуда исроф этиш инсон шаънига доғ, жамият манфаатига зиддир.

Яқинда Собир Раҳимов районидаги Беруний номли маҳаллада ҳозирги тўйларни камчиқим, ноз-неъматларни исроф қилмасдан меъёрида ўтказишга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечани Тошкент политехника институтининг ўқитувчиси, маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Раъно Раҳимбекова очди. Тошкент политехника институти ўқитувчиси, маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисининг ўринбосари Муаззам Жабборова, 249-мактаб директори С. Аҳмедова ва бошқа ўртоқлар тўйлар ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шундан кейин бир пиёла чой устида маҳалла хотин-қизларининг ўзаро савол-жавоблари, мулоҳазалари эшитилди.

Кечада билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида маҳаллада янгича тўйларни олиб бориш юзасидан тавсиянома ишлаб чиқилди.

Д. РАҲИМОВА.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ЛАГЕРЬ ҚУЧОҒИДА

Пойтахтимиздаги тўқимачилар маданият саройи коллективининг пионерлар билан олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Пионер лагерларида қувноқ кечалар уюштириш, болаларда санъатга меҳр уйғотиш уларнинг шу кунлардаги вазифасига айланиб қолган. Улар «Юлдузча», «Огонёк», «Тўқимачи» каби пионер лагерларида бўлиб, болаларга аталган бадиий фильмлар, мультфильмлар намойиш қилишмоқда.

Шаҳримиздаги 100, 91, 82, 135, 72-мактабларни сарой коллективи ўз оталиғига олган. Бу ҳам болаларга бўлган эътибор мевасидир.

Яқинда 100-мактабда ташкил қилинган болаларнинг энг севимли спектакли «Доктор Айболит» саҳнага қўйилди. Ўқувчилар томонидан қўйилган спектакль ҳаммага манзур бўлди. Н. Шаханова томонидан тузилган ёшлар театрининг «Оптимист» студияси аъзолари ўз талантлари билан ўқувчилар эътиборини қозонмоқда.

Ҳ. ЛАПАСОВА.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

СВЕТОФОР КЕРАК

Акмал Икромов районига қарашли 17-болалар боғчаси Марс кўчасида жойлашган. Боғчага ўтиш учун Уйғур кўчасини кесиб ўтишга тўғри келади. Аммо Уйғур кўчасида транспорт ҳаракатининг гавжумлигига қарамасдан бирорта ҳам йўл ҳаракати белгиси қўйилмаган. Иккала кўча кесишган чорраҳага эса светофор ўрнатилиши, машина ва йўловчилар ҳаракати бир маромга солиниши лозим. Чунки кўча белгилари ва светофорнинг йўқлиги туфайли йўловчилар, айниқса болалар кўчани кесиб ўтишда қийналмоқда.

Бу ишга шаҳар автомобиль инспекцияси ходимлари жиддий эътибор беришса яхши бўларди.

Бир группа ота-оналар номидан:
Э. НАБИЕВ.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

САБАБИ НИМА?

Биз С. Раҳимов районидаги Қорасарой кўчасининг Бежинский проездида истиқомат қиламиз. Бундан бир неча йил муқаддам кўчамиздаги симёғочлар алмаштирилиб, чироқлар ўрнатилиб, кўчамиз ёритилганди.

Афсуски, бугунги кунда симёғочлардаги битта ҳам чироқ ёнмайди. Кечалари юришга жуда қийналмоқдамиз. Кўшни кўчалардаги куйган лампочкаларни алмаштириб кетаётган монтёрлардан бир неча бор илтимос қилиб кўрдик. Лекин негадир улар бизнинг кўчага «ўгай» кўз билан қараб келишмоқда. Бу хил жумбоқ балки район электр тармоқлари корхонаси мутасадди раҳбарлари ечиб беришар? Эътиборсизликнинг сабаби нимада?

Кўпчилик номидан:
И. ИБРОҲИМОВ.

Сабзавотлар — ҳамшаҳарларимиз дастурхонига

Колхоз дўконлари хушнуд этадими?

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумида қабул қилинган Озиқ-овқат программасида тайёрлаш ташкилотларининг олдига шаҳарликларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан ўзгартириш вазифаси қўйилган. «Ташплодоовощ» бирлашмасининг коллективи бозорларда янги савдо пунктларини ташкил этиб, жуда тўғри иш қилмоқда. Аммо қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозорларга келтириш ва улар билан шаҳарликларни таъминлашни янада яхшилаш лозим. Айни пайтда узоқ районлардан келаётган колхозчилар ўз маҳсулотларини бозорларда ўзлари сотишса яхши бўлар эди.

Сабзавот магазинларининг хизматидан фойдаланаётган ҳамшаҳарларимиз хизмат кўрсатиш маданиятининг юқори бўлишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Айни пайтда улар пештахталардаги маҳсулотларнинг сифатли ва хилма-хил бўлишини истайдилар. Бу қонунийдир. Аммо айрим бозорларда савдо тармоқларини кенгайтириш ўрнига бошқача йўл тутилмоқда. Мана, характерли мисоллар. Марказий ва Биринчи май бозорларида тўққизтадан колхоз дўконлари бор эди. Ҳозир эса улардан бирортаси ҳам қолмаган. Қўйлиқ ва Госпиталь бозорларида бештадан дўкон бор эди. Улардан ҳам ном нишон қолмади. Мавжуд дўконларда эса сабзавотлар эмас, нокерак маҳсулотлар сотилмоқда. Бунга бир мисол келтирайлик. Олой бозорида тепасига «Сабзавот ва мевалар» деб ёзиб қўйилган жуда кўп дўконлар бор. Бу дўконларни Орджоникидзе районидаги «Правда» ва «Октябрь» колхозлари, Тошкент районидаги Карл Маркс номли ва Охунбобоев номли колхозлар маҳсулотлар билан таъминлаб туришлари керак. Бироқ бу дўконларнинг пештахталарига сабзавотлар ўрнига консерва ва винолар қўйиб қўйилган.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Колхоз бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан давлат ва кооператив савдосини ҳақиқий маънода йўлга қўйилса, нархлар ҳам камайиши мумкин. Сабзавотлар ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Уларни тонг саҳарда тезлик билан йиғиб, магазинларга олиб келиш керак. Шу боисдан ҳам «Ташплодоовощ» бирлашмаси маҳсулотларини қабул қилишни бевосита далаларда ташкил этмоғи керак. Бунга махсус автомашиналарни мослаштириш, магазинларни маълум колхоз ва совхозларга бириктириб қўйиш керак. «Дала — магазин» проблемаси сўзда эмас, амалда ҳал қилиниши лозим.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, уларнинг доимий комиссиялари, бошқа назорат қилувчи ташкилотлар бозорларда тартиб ўрнатилишига ёрдам беришлари керак. Коллоз бозорларида колхозчилар ҳақиқий маънода хўжайин бўлишлари керак. Уларга барча шароит ва қулайликлар яратилиши лозим. Айни пайтда сабзавотларнинг кооператив ва давлат савдосини ташкил қилишни ҳам мунтазам ривожлантириб бориш лозим.

Е. МОРДУХАЕВ.

ЛУҚМА

КЎЗБЎЯМАЧИЛАР

Шароф кўчаси Бешқайрағоч массивида энг серқатнов кўчалардан ҳисобланади. Ўтган йилнинг охирида кўчанинг ҳар иккала томони қазилиб, қўшни — Назарбек кўчасида жойлашган 129-мактабга канализация ва иссиқлик қувурлари олиб ўтилди. Қурувчилар қазилган жойни кўмиб, асфальт ётқизиб кетишди. Буни қарангки, қурувчилар «қўлдан ўтар — эгасига етар» қабилида иш қилиб кетишган экан, сал ўтмай кўмилган жойлар чўкиб, кишилар билан кишилар лой кечиб юришга мажбур бўлди. Яқинда ремонтчи қурувчилар келиб уйдум-чуқур жойларни тузатиб, асфальтлаб кетишди. Икки-уч кун ўтмай кўча яна ўз ҳолига қайтди. Омон бўлгур қурувчилар бу гал ҳам кўзбўямачилик қилиб кетишган экан.

Энди бутун умидимиз Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарларидан. Зора улар бу кўзбўямачиликка барҳам беришса.

Л. ҲАМИДОВ.

Ушбу суратда Тошкент метросининг навбатдаги қурилишида фаол иштирок этаётган илғор проходкачи Василий Худикни кўриб турибсиз. Тошкент метрополитени 1-қурилиш-монтаж бошқармасида бу ишчининг номини ҳурмат билан тилга оладилар.

Қ. Исоқов фотолари.

• *«Долзарб мавзу» материаллари изидан*

«Қуриётган кўчат»

Газетамизнинг шу йил 8 июль сонида эълон қилинган мақола ана шундай номланган эди. Унда шаҳарнинг яшил либосига авайлаб муносабатда бўлиш масалалари кўтарилган, сув йўқлиги туфайли дарахтлар, буталар, гуллар қуриб қолаётганлиги ҳақида мисоллар келтирилган эди. Айрим ҳолларда кўчатлар сув чиқмайдиган территорияларга ўтқазилади, натижада кўчатлар тез қуриб қолади. Бу эса юзлаб кишиларнинг меҳнати зое кетишига, кўплаб давлат маблағларининг кўкка совурилишига олиб келади.

Редакция Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармасидан ана шу мақолага жавоб олди. Қуйида ана шу жавобни эълон қилаяпмиз.

«Қуриётган кўчат» мақоласи кўкаламзорлаштириш бўйича шаҳар штабининг мажлисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси барча бўлинмаларининг раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди. Газетадаги мақола тўғри ва ўз вақтида эълон қилинган, деб эътироф этилди.

Чиндан ҳам район ободонлаштириш бошқармалари, район уй-жой бошқармалари, ЖЭКлар, корхона ва ташкилотлар томонидан етарли даражада назорат бўлмаганлиги учун баъзи ерлардаги кўчатлар қаровсиз қолган, уларнинг бир қисми қуриган. Кўпгина суғориш шахобчаларида, айниқса Юнусобод, Қўйлиқ, Шимоли-шарқ, Қорақамиш турар жой массивларидаги ирригация шахобчаларида оқар сувларнинг бўлмаслиги мақолада ниҳоятда тўғри қайд этилган. Бу биринчи навбатда уй-жойларни бунёд этишда ариқлар ўтказишни ниҳоясига етказмаган қурувчиларнинг айбидир.

Шу муносабат билан ирригация, гидротехника иншоотлари ва кўкаламзорлаштириш бўйича ихтисослашган ремонт-қурилиш трести янги қурилган барча турар жой массивларини текшириб чиқди, ирригация шахобчаларидаги камчиликларни тугатиш ҳамда реконструкция ишларининг схема ва сметалари тузиб чиқилди. Қайта тиклаш ишлари бошлаб юборилди.

Бундан ташқари кўкаламзорлаштириш бўйича шаҳар штаби барча район ободонлаштириш бошқармалари, ана шу масалага даҳлдор бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига яшил ниҳолларни ариқ сувлари билан таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш вазифасини юклади.

Айрим объектларда сув йўқлигининг сабабларини текшириб чиқиш ва аниқлаш, шунингдек зарур чора-тадбирлар кўриш учун комиссиялар ташкил этилди.

Ш. ИСЛОМОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи.

РЕДАКЦИЯДАН: Яшил ниҳолларни меҳр билан парвариш қилиш ободончиларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаларидан бирндир. Эълон қилинган жавобда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши мавжуд камчиликларни бартараф этишга ёрдам бериши мумкин. Йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш вазифаси юкланган комиссияларнинг ташкил этилиши ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Бизнингча, бундай комиссиялар гоҳ-гоҳида эмас, мунтазам равишда ишлаши лозим. Ана шундагина яшил ниҳолларга хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳолларига мустаҳкам ғов қўйилган бўлади.

Шаҳримиз ўзининг 2000 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Биз, ободончилар ана шу шонли санага қадар Тошкентнинг янада гўзал ва кўкаламзор шаҳарга айланиши учун қўлларидан келган ҳамма ишни қиладилар, деб ишонгимиз келади.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

К. РАҲИМЖОНОВ: Яқинда такси бекатида бир аёл 4 ёшли ўғли билан таксига навбатсиз ўтирмоқчи бўлган эди, йўлатишмади. Шу тўғрими? Ўзи такси хизматидан кимлар навбатда турмасдан фойдаланишлари мумкин?

Жавоб: Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Иттифоқдош, автоном республика Олий Совети депутатлари, маҳаллий Советларнинг депутатлари, Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари, ҳомиладор аёллар, шунингдек, мактабгача ёшдаги болалари бўлган кишилар, учала даражали Шуҳрат ва Меҳнат Шуҳрати орденлари билан тақдирланганлар таксини навбатсиз ёллаш ҳуқуқига эгадирлар.

* * *

М. ҒОФУРОВА, Ф. ЗОКИРОВА ва бошқалар: Шаҳримизда сиртдан ўқиб болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлашни ўргатадиган бирор билим юрти борми?

Жавоб: Чилонзор районидаги Оқтепа майдонида жойлашган Крупская номли мактабгача тарбия билим юртида ўқиб болалар боғчаларининг тарбиячилари бўлиб етишишларингиз мумкин. Бу ўқув юртининг кундузги ва сиртқи бўлимлари ишлаб турибди. Кундузги бўлимга саккизинчи синфни битирганлар, сиртқи бўлимга эса ўнинчи синфни битирганлар қабул қилинади.

* * *

А. ДАДАБОЕВ: Мен янги маркадаги «Радуга» телевизори сотиб олдим. «Зангори экран» ательеси билан абонемент бўйича шартнома тузмоқчи эдим. Шуни қандай қилиб амалга оширса бўлади?

Жавоб: Ўзингиз яшаб турган Октябрь районидаги «Зангори экран» ательесига мурожаат қилинг. Бу ателье Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектидаги «Ганга» магазини ёнида жойлашган. Телефон номери: 44-17-02, 44-17-03. Абонемент бўйича шартнома тузишингиз учун у ердаги усталар бориб телевизорингизни кўришади ва бир йиллик абонемент хизмати учун 66 сўм ҳақ тўлайсиз. Агар телевизорингиз бир йил ичида бир неча марта бузилса ҳам ҳеч қандай ҳақ олмасдан тузатиб берилади.

* * *

Ф. УМАРОВА, Г. АБДУРАҲМОНОВА: Бу йил 8-синфни битирдик. Биз Чилонзордаги «Шуҳрат» мактаб-магазинига кириб ўқимоқчи эдик. Шу мактабга кириш учун қандай имтиёзлар бор.

Жавоб: «Шуҳрат» мактаб-магазинига кириб ўқишингиз учун «Шаҳодатнома», маҳалладан справка, 6х9 ҳажмдаги фотосурат, ариза, автобиография ва ўқиган мактабингиздан характеристика олиб, ҳужжатларингизни топширишингиз керак. 8-синфни битириб ўқишга кирганлар олти ой ўқишиб, саноат моллари билан савдо қилувчи кичик сотувчилик касбини эгаллашади. Уларга 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади. Навбатдаги ўқиш 1 августдан бошланади.

* * *

Б. МАЪДИЕВ: Тошкент шаҳрида радио ва телемастерлар тайёрлайдиган билим юртлари борми?

Жавоб: Тошкент шаҳрида радио ва телемастерлар тайёрлайдиган бир неча ҳунар билим юртлари мавжуд. Шулардан бири «Ивановолик тўқимачилар» кўчасидаги 8-уйда жойлашган 11-техника билим юртидир. Шунингдек, Тошкент шаҳар социал таъминот бошқармасига қарашли ҳунар-техника билим юртида ҳам радио ва телемастерлик ҳунарини эгаллаш мумкин.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги олдидан пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари, саноат корхоналари ва муассасаларда ёшларни ғоявий-сиёсий тарбиялашга қаратилган турли адабий кечалар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбек адабиёти ва санъати намояндалари билан бўлаётган ижодий учрашувлар ҳам шулар жумласидандир. Яқинда таниқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадий билан Тошкент Давлат маданият институти студентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ўзига хос мушоирага айланиб кетган ана шу ижодий кечага Илёс Муслим, Зоя Туманова сингари ижодкорлар ҳам ташриф буюришди.

Ижодий учрашувда ёш шоир Темир Убайдулло ўзбек совет болалар поэзияси тараққиёт босқичлари ҳақида, шунингдек институт профессори, болалар адабиёти кафедрасининг мудири Малик Муродов Қуддус Муҳаммадий ижодининг ўзбек болалар шеърияти ривожидаги ўрни, болаларни маънавий-эстетик тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталди. Институт кафедра мудири, филология фанлари доктори Собир Мирвалиев, институт профессори Наби Раҳимов, институт студентлари ҳам Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Қуддус Муҳаммадийнинг ижодий йўли ҳақида гапирдилар.

Шеърият кечасида Қуддус Муҳаммадий, Илёс Муслим, Зоя Тумановалар студентларга ўзларининг янги шеърларидан ўқиб беришди.

Д. ТУРҒУНБОЕВА.

РАСУЛ РАҲМОНОВ—50 ЁШДА

ТАЛАНТЛИ ПУБЛИЦИСТ ВА ЁЗУВЧИ

Биз ажойиб замонда яшамоқдамиз. Жонажон Коммунистик партиямизнинг XXVI съезди тарихий қарорлари билан қуролланган совет халқи коммунизмнинг ёрқин манзараларини бунёд этмоқда. Совет воқелигида юз бераётган ҳаётбахш янгиликларни, жамиятимизнинг олий истиқбол сари собит қадамларини, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлисининг яратувчилик меҳнатини, социалистик турмуш тарзининг буюк афзалликларини бутун жозибаси, моҳияти билан мадҳ этиш забардаст журналист, ҳам талантли ёзувчи Расул Раҳмоновнинг эзгу иши, ўттиз йиллик ижодининг мағзидир. Муаллиф қайси соҳа кишисини, қайси мавзуни қаламга олмасин, унинг умри салмоғини жамият манфаатларига хизмат билан ўлчаб, ширин тил билан бадиий баён этади. Олмалиқ қурилишларида бирга бўлиб «Ишчи авлоди» очеркини ҳамкорликда ёзар эканман, у туғилиб ўсган Тошкентнинг «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи меҳнаткашлари билан суҳбатлашар эканман, унинг синчковлигини, меҳнатсеварлиги н и, нозик таъби, кишилар билан мулоқатда ширинсуханлигини, халқимиз урф-одатларини пухта билишини кўриб қувонганман.

Расулнинг чоп этилган ўндан ортиқ тўпламига жамланган воқеий қисса, очерклари унинг йирик жанрдаги асарлар ёзишга қодирлигидан, бу шарафли ишга дадил бел боғлаши зарурлигидан дарак беради. Бугун эълон қилинаётган «Кўнгил» ҳикояси ҳам бунга мисолдир.

Изланиш, ташаббускорлик Расулга хос фазилат. У республика радиосида фаолият кўрсатар экан, радиодраматургиянинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Унинг ташаббуси билан ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг яхши намуналари радио тилига кўчирилди.

Адабиётнинг ҳозиржавоб, яловбардор жанрида муваффақиятли ижод қилиш билан бирга, ҳозирги замон раҳбарига хос юксак талабчанлик билан жамоат ишларини аъло бажариб келаётган Расулжон укамга бахт, омад ҳамиша ёр бўлсин.

Назир САФАРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати.

Расул РАҲМОНОВ.

КЎНГИЛ

ҲИКОЯ

Жиккак, юзида қони йўқ, тишлари тушиб кетган, кўзлари ўра бу аёлнинг кўринишиёқ кишининг раҳмини келтирарди. Аччиқ-аччиқ йиғлашлари баттар юракни эзарди. Кийгани тўлалигида тиктирган кўйлагими ёки таниш-билишлари берганми, ҳар ҳолда, таги тешилиб бошидан ташлаб қўйилган қопдек халпиллаб, осилиб ётарди. Жуда ширин сўзлабди, лекин:

— Тағин шикоят деб ўйламанг. Дугонамсиз, кўп йиллик қадрдонимсиз, сизга ёрилмасам, кимга ёрилай, ўргилай, ичим хум бўлиб кетди-ку. —У йиғлагансимон бурнини тортиб гапида давом этди. — Менга, ёлғизгина акамнинг ҳеч нарсаси керакмас. Худога шукур, ҳамма нарсам етарли, еганим олдимда, емаганим ортимда. Ўғил-қизларимнинг ҳаммасидан тинчиганман, ҳаммаси топадиган-тутадиган. Фақат ҳар замон-ҳар замонда, майлида ҳайитдами, янгича байрамлардами бормисан, эсон-омон ўтирибсанми, деб йўқлаб турса қани энди.

— Нима, тўй-ҳашам, ўлик-тирикда ҳам келмайдиларми?

— Во, айланай, унақа пайтда келмасликка иложи борми! Ҳамма сўрайди-да, ўргилай!

— Аввалдан шундайларми? Ё...

—Мен сизга айтсам... — у ўйлаб, жим бўлиб қолди,— мен сизга айтсам, ойим ўлдилар-у, шундай бўлиб қолди. Билмадим, худо совутдими, бандасими, оёғини тортди-қўйди. Энди нима қилсамикан-а, дугонажон. Маҳаллага чиқсаммикин, идорасига борсаммикин? — У дастрўмолини олиб кўз ёшларини артган бўлди. —Соғинаман, кўргим келади. Кўрсам, ота-онамни кўргандек бўламан, кўнглим ёзилади.

— Ораларингиздан бирон қора мушук ўтмаганми? — Ниманидир ўйлаб суҳбатдошининг кўзларига тик боқиб сўради дугонаси. «У дугонасининг акаси ҳақида кўп эшитганди. Меҳрибон, сахий, ақлли, мулоҳазали, диёнатли, инсофли одам, чинакам инсон, деб. Ошкор қилиб бўлмайдиган, бир гап ўтган. Дугонам, буни жуда яхши билади, анойилардан эмас. Агар мени ўзи айтгандек жуда яқин, сирдош билса, ҳозир айтади. Нима қилиб синган кўнгилни чегалатишни сўрайди. Агар эрта-индин «Нега аканг кўринмай қолди?!» деган маломатнинг олдини олиш найранги бўлса, бу гапни бошқа ёққа буради. Хах, дугонажон-а, минг қилса ҳам аёлсан-да, аёл, наҳотки ҳозир қилни қирқ ёрадиган, ёлғон билан ростни дарров таги чиқадиган; кўз ёши, гап, бечора кўриниш билан узоққа бориб бўлмайдиган бир замон эканлигини англамасанг! Англамаганинг ҳам маъқул. Ортиқча юк, буёғи ҳам аёл кишига. Қадимги аёллардек уйда ўтириб қолдингга, уйинг ҳам, режаларинг ҳам шунга яраша. Фақат мақсадингга тушунмай турибман. Ё бирон дард юкининг азобидасан, ё яна бирон-бир манфаат ўйидасан. Шуни айтсанг, калаванинг учи топилади. Бўлмаса, ўз сиринг, ўз ўйинг, ўз ғаму дардинг тагида қолиб эзилаверасан, умрингни эговлайверасан. Сендайлар оз эмас. «На ўзи еча олади, на бировга оча олади».

— Йўғ-э, худо сақласин, сиз оғзимиз санга борганмас шу маҳалгача, —деди чўчиб, дугонасининг синчков нигоҳидан қочиб, ранги ўчган юзини ерга қадаб, — озиб-ёзиб бир кўришиб қолганимизда, сенинг ҳам таъбингни хира қилдим. Қалай ўзинг яхшимисан...— деб гапни бошқа ёққа буриб, аёллар ўртасида бўладиган турмуш уринишларига кўчирди суҳбатни.

«Гапни бошқа ёққа бурдинг! Демак, косанинг тагида ним коса бор! Тилингни тагида тилинг бор!»—деди ичида дугонаси, иши зарурлигини айтиб, хайрлашишга қўл узатди, учрашганларидаги қулоч ёзиб, бир-бирларининг бағирлари ҳароратларидан ёниб, қучоқлашиб кўришишганлари қани энди. Дугонагаку бу ҳолат тушунарли, нолачигачи?

... Орадан кўп ўтмай аёл яна қаергадир отлана бошлади. У икки хил отланарди. Лозимандага, магазинга, бозорга, қуданикига, зиёфатга бошқача, арз-нолага бошқача. Зийрак қизи буни аллақачон сезиб олган эди.

—Ойижон, қўйинг, шу ишингизни қилманг, ўтинаман, қўйинг,— деди кўзлари ёшланиб, — сира хожати йўқ шуни, ойижон. Мени ойижоним, мени меҳрибоним, мени...

— Кўп ёпишаверма, нари тур!— деди қизини тирсаги билан итариб, оғзидан тилла аралаштирилиб, бежирим ясалган ясама тишини олиб, сувли стаканга соларкан. — Ҳалиги, ойимдан қолган чит кўйлакни кўрмадингми, сўради катта тош ойнага қараб кўзидаги сурмани артиб, тозаларкан. Диванда юзини ховучлаганча йиғлаб ўтирган қизининг қулоғига энди унинг гаплари кирмасди. — Мен сендан сўраяпман,— деди ойнадан кўзини узмай, юзига оқ бир кремни суркаркан.— Қаердасан, нимага индамайсан. — У ўгирилиб қайси куни дугонасидек тундек шахло кўзларини ўзига синовчан бир тарзда тикиб турган қизини кўрди, бармоқларидаги узукларни айлантира-айлантира суғуриб, ойна олдидаги қутичага соларкан. Беғубор кўкда оҳиста сузган ҳилоладек ёғду сочиб турган, илон оғизли билакузукларини ечар экан, нигоҳи яна бақрайиб қараб турган қизининг кўзларига тушди, бир зум у кўзлар жон чиқар чоғи бир юмиб, очилган марҳум онасининг кўзлари бўлиб боқди, беихтиёр терс ўгрилиб «Кўзингни ол!» деб бақириб юборди. Билакузукнинг бир пойи полга тушиб думалаб кетди, ўзи ҳолсиз турган ерида ўтириб қолди.

— Ойи, ойижон, нима қилди, — унинг тепасига югуриб келди қизи, ўзини қўлга олиб, оҳиста ётқизиб, сув ичирди. — Ойижон, ойижон, бошингиз айланиб кетдими? — Бир оз ётинг, ҳозир ўзингизга келиб қоласиз!..

— Билакузук қани, — деди, кутилмаганда азот бошини кўтариб она. — Олиб қўй!

— Хўп, ойижон, хўп!

— Ма, мана бу шеригини ҳам олиб қўй.

— Ойижон, ҳеч қаерга борманг! — Акангиз...

— А, қани! Йўқ, йўқ, керакмас! Ма, тез сол, бекит! — деди у тилла асбобларини қизига тутқазиб. — Қани, —деди бўйнини буриб дераза оша ҳовлига қараркан.

— Йўқ, йўқла. Демоқчийдимки, ўзлари келиб қоладилар, ҳеч қаерга борманг! Зарурида келиб турибдилар-ку. Хўпми! Ақлли ойимдан ўргилай...

Бирдан таранг тортилган тизимчадай узилишга келган асаблар, темирчининг босқонидай тўлган юрак оҳиста бўшаб, ўқлоғи бўлиб кетган пешона, кафт орқасидаги кўк томирлар жойига кела бошлади, қалтираган лаблари, ўчган ранглар аслига қайтиб, бемажол диван суянчиғига ўзини ташлаб, йиғлаб юборди аёл. Қизи унинг оёқларига суянганча, бошини тиззасига қўйиб, ҳеч нарсага тушунолмай овутмоқчи бўларди.

— Ойижон, қўйинг йиғламанг, ойижон, мен бориб тоғамни айтиб келайми, ҳеч йўқ демайдилар, дарров келадилар, биласиз-ку!

— Ў, онагинам, қизалоғим, — деб чуқур, дардли хўрсиниб, тиззасидан қизининг бошини кўтариб, этакларини тузатиб ўрнидан турди. Ойнага қараб, юзидан кўз ёшларини артиб, тўзғиган сочларини тузатди. Ойна ёнидаги токчада турган соатнинг чиқиллаши эътиборини тортиб, ниманидир эслатди, тийраклашиб, қизига қаради:

— Болам, иш вақтинг бўлиб қолипти, боракол, хотиржам бўл, ҳеч қаерга бормайман.

Бу маҳал акасининг ишхонасида идора бошлиғи билан бурунларининг учи шолғомдай қип-қизил, кўзлари қурбақаникидек отилиб чиққан бир киши ўпишмоқчи бўлган кишилардек тумшуқларини тумшуқларига қўйиб гаплашишарди.

— Оғайнингизнинг тили бир оз узунроқ бўлиб, ўсиб боряптими, дейман, — деди бошлиқ кўзларини ўлик ҳолга келтириб, шунчаки айтаётгандек.

— Бир оғиз гаплари, қайчи десангиз қайчи бўлиб, устара десангиз устара бўлиб кесамизда!

— Тушунмадингиз, — деди олдидаги қоғоз-газеталар орасидан бир нарсани қидириб. — Кеча омбордаги ходимимиз устидан юмалоқ хат олдим. Ҳар ҳолда, камчиликларини топибми, тўқибми, анча ишонарли қилиб ёзипти. Қаерга қўйдим-а? Ҳа, сейфга қўйгандим. — Оғайнингизнинг ўзи тушуниб қолар, дейман! Яна нима гап?

— Бошқа гап йўқ, хўжайин. Тинчлик, хўжайин! Хўп, мен борай, бу ёғи тушунарли.

«Кўп уста одам-да. Инженернинг обрўси босиб келаяпти-да, олдини олмоқчи. Ўрганган кўнгил. Гапини қаранг. «Бетга айтганни заҳри йўқ, дейишади-ку. Барибир кўнгилга келадида. Шундай, баъзан, дўст, ўзини атамай, камчиликларини кўрсатаркан. Ким билади дейсан». Гапни индаллоси мен «дўстлик» қилишим керак. Юмалоқ хат уюштиришим лозим, унинг устидан. Пўписа қилиб қўймоқчи. Оббо, ичидан пишган-е. Ҳали, хатни босди-босди қилиб, раҳмат ҳам олади. Топшириқни тушунган Ерўлар ичида деди: «Инженернинг жигари норозироқ бўлиб юрибди, деб эшитгандим. Шундан бир иш чиқмасмикин. Юқоридан ундов бўлгандан кейин, тўқилса бўлдида. Аслида, бу покиза, тўғри сўз ходимга тегмаса ҳам бўларди. Менинг вазифам «юмалоқ хат». У ёғини ўзлари билишади. Балки текшир-текширда бирон нарса топишар. Ҳи-ҳи-ҳи!» — У бўйнини ёқасининг ичига тортиб, йўрғалаб кетди.

Сингил ўша куни кечаси туш кўрди. Қандайдир пасти-баланд тоғларда акаси, яна алпақандай нотаниш одамлар даврасида юрганмиш. Қўлларидаги билакузуклари осмондан уч кунлик ойдек бўлиб кўринармиш. Қоя этагидаги чуқур жарликда оч бўрилар билакузукларни ой билиб, уларга қараб увулармиш. Бирдан чўққилардан бири қимирлаб кетибди, қараса, у қаландарларникига ўхшаган баҳайбат телпак бўлиб кўтарилиб, бир кўзли одамнинг бошида турганмиш, бош кўтарилган сари тоғлар ағанаб, ҳалиги одамлар тошлар тагида қолиб, ўзи бир илдизга осилиб, увуллаб турган бўрилар томон шўнғий-шўнғий деб турганмиш. Шу маҳал, акаси ёнидан неварасининг ёғоч тўппончасини олиб, ҳалиги баҳайбат махлуққа ўқталиб, жим бўлишини, акс ҳолда отишини айтаётганмиш. Ногоҳон тепасидан онаси келиб қўлидан тортаркан, билакузуклари, узуклари бармоқларидан сирғалиб чиқиб, онанинг қўлида қолиб, ўзи тубсиз пастликка қараб шувуллаб кетаётганмиш...

Қўрқинчдан уйғониб кетди. Туши эканлигидан қувониб, кўкрагига туфлаб анчагача ўзига келолмай ўтирди. Тонгга яқин, чарчаб яна кўзи уйқуга кетди.

Энди унга бу азоб ҳам бор эканми. Тушини бирон кишига айтолмаса, ўзи нимага йўйишни билмаса. Кечалари ухлолмай, ранги сарғайиб, ўзини ёмон сеза бошлади. Фарзандлари врач борми, табиб борми кўрсатишди. Бир врач, жигарида дард бор, деди. «Жигаримга хиёнат қилиб, жигаримдан айрилмасам! Қилгуликни қилиб қўйиб, қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида иш тутиб, тинч юрган акамга «осилганим» нимаси, тағин! Йўқ, ойижон, барибир бермайман! Ахир тушимда ўзлари сақлаб қолдилар-ку!». У ўнг томонига ағдарилиб ётаркан, жигари санчгандек бўлди. Чап томонига ўгрилди. Юраги сиқа бошлади. Ўрнидан туриб ўтирди. Тўлин ой нури ширин ухлаётган қизининг юзига тушиб турарди. Қайси куни қизига қилган қилиғи эсига келиб: «Сени ҳам хафа қилдим-а, қизим. «Кўзинг қурсин!», деб юбордим-а. Кўзларингга жоним тасаддиқ бўлсин, бахтли бўл!» — Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, юзларидан думалай бошлаганини ўзи сезмай қолди. «Тонг отсин, акамнинг ёнига бораман. Қуриб кетсин булар. Кимдан қолмаган ахир, эртага мендан ҳам қолади. Жигаримни қаердан топаман! У мендан ҳеч нарса сўрамаса... —нимадир ёдига келди шекилли, — Вой, шўрим! — деб юборди, у ўпкаси тўлиб, шашқатор қайнаб келаётган кўз ёшларини тўхтатолмай, қизини уйғотиб юбормаслик учун секин туриб, айвонга чиқди.

(Давоми бор).

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Пушкин асарларига ишланган расмлар

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида намойиш қилинаётган Палех санъати кўргазмасида улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин асарларига ишланган турли расмларга алоҳида ўрин берилган. Ёғочдан ишланган қутича, ликопча ва бошқа Палех санъати намуналарида рус халқ афсоналари мотивлари, шунингдек халқ ҳаётидан ҳикоя қилувчи манзаралар катта маҳорат билан ишланган. Булар орасида А. Ивановнинг Пушкиннинг «Шоҳ Султон ҳақида эртак», А. Кликовнинг «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак», Р. Смирновнинг «Руслан ва Людмила», Р. Белоусовнинг «Поп ва унинг хизматкори», В. Солонимнинг «Боғчасарой фонтани» ва Пушкиннинг бошқа асарларига ишланган Палех намуналари катта муваффақият билан намойиш этилмоқда.

Шонли санага бағишлаб

Музейда ўтган йили Монголия Халқ Республикаси ташкил топганига 60 йил тўлишига бағишланган кўргазмада қардош мамлакат санъати намойиш этилган эди. Томошабинлар монгол халқ амалий ва тасвирий санъатини томоша қилишганди. Яқинда эса, МХРнинг 61 йиллиги муносабати билан музей томошабинлари лекциялар залида Улан-Батор киностудияси суратга олган «Монголия санъати» ҳужжатли фильмини томоша қилишди.

М. АҲМЕДОВ.

КОЛЛЕКТИВ САФАРДА

Ф. Содиқов раҳбарлигидаги Тўхтасин Жалилов номли ўзбек Давлат халқ чолғу асбоблари оркестри Қозоғистон ССРга гастроль сафарига жўнаб кетди.

Бу ижодий коллективнинг мамлакатимиз бўйлаб биринчи гастроль сафари бўлмай, коллектив бундан олдин Украина, Қрим, Кавказ ва Ғарбий Сибирда ўз гастролларини муваффақиятли ўтказиб қайтди. Бу сафар санъаткорлар Қозоғистоннинг йирик саноат корхоналари ва район марказларида бўлиб Қозоғистон ССРнинг пойтахти Олмаота ҳақида қўшиқлар ижро этадилар. Шундан сўнг улар Қарағанда, Актюбинскда ҳам бўлиб, концерт намойиш қиладилар.

Ижодий коллективнинг репертуаридан ўзбек ва қозоқ композиторларининг, рус классикларининг асарлари ўрин олган.

Концертда республикада хизмат кўрсатган ертист Б. Мавлонов ва В. Криеков, филармониянинг солистлари С. Тен, М. Худойназаровлар иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Ялла» вокал-чолғу ансамблининг довруғи тобора ошиб бормоқда. Ўзбек халқ куйлари асосида яратилган ранг-баранг ашулалар, совет композиторларининг эстрада асарлари ансамбль репертуаридан кенг ўрин олмоқда. Айни пайтда «Ялла» қардош халқлар ва хорижий мамлакатлар куй-қўшиқларини, сиёсий ва ватанпарварлик мавзуидаги ашулаларни ҳам маҳорат билан ижро этади.

СУРАТДА: «Ялла» вокал-чолғу ансамбли томошабинлар ҳузурида.

ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

Маяковский мукофоти лауреати Усмон Азимов— редакциямиз меҳмони



Грузияда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ Маяковский кунларида истеъдодли шоир Усмон Азимов Владимир Маяковский номидаги мукофот лауреати бўлди. Қуйида Усмон Азимовнинг янги шеърларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ЛЕНИН

Дунёнинг, халқларнинг ё бир одамнинг
Имону фикрига агар тушса дарз,
Бирлаштирмоқ учун бўлинган танни,
Доҳий, сиздан мадад сўрамоғи фарз.
Имоним-ку бутун. Бу ҳаёт аммо,
Минг бир ханжарини жонга тиқади.
Масалан, маслакдош деганинг ногоҳ
Карл Каутский бўлиб чиқади.
Ўртоқ Ленин, шоир умри ҳам кураш.
Баъзан курашларга беролмасдан тоб,
Кўзимга кўринса йўлларим чалкаш,
Сизнинг ҳузурингизга бораман шитоб.
Бораман. Қаршимда айланар дунё,
Суҳбат айланади бугун эртадан.
Шубҳалар тумани тарқалиб, фидо
Дзержинскийдай чиқиб кетаман.
Қаршимда турибди мана ҳозир ҳам
Азиз Коммунада порлаган офтоб.
Мен сизни доҳий деб саволга тутсам,
Менга дўстим каби беряпсиз жавоб.

Абдулла Қодирий

Бўғзимга баҳайбат қайғу тиқилди,
Кўзимга йиқилди қоп-қора булут.
Тиззамдан сирғаниб китоб йиқилди,
Бирдан синфга чўкди бир ҳайрон сукут.
Партага бағримни бериб йиғладим.
Сукунатга айтдим: «Жон берди... Кумуш...»
Муаллим жилмайиб мени тинглади,
Бошимни силади ҳам шод, ҳам хомуш.
Деразадан нари, ёмғир қўйнида
Гулларга баданин кўмарди баҳор.
Муаллим термулиб баҳор рўйига,
Деди: «Ўзбекистон мангу барқарор!»
Ёмғирдай бир соғинч кўксимга тўлди,
Юракка туташди нотаниш ғулу.
Ногоҳ, Ватанимни кўргандай бўлдим,
Қодирийнинг худди ўзи эди у.
Тўрт девордан бўлса боқардилар жим
Синовчан кўзларин кўзимга қадаб,
Ҳозирча суратда таниганларим:
Навоий, Нодира, Фароғий, Машраб...

* * *

Деразанинг пардасин суриб,
Тонгда боқдим уфққа бекор...
Мен билмабман бепарво юриб,
Тоғ бошига қор тушибди, қор.
Деразадан тоғларга қадар
Узунлиги ҳаётимча йўл.
Бир дарахтнинг устида каптар
Чарх уради — қанотлари ҳўл.
Яроқлайди қишли, куёшли,
Нур ва қорга беланган онам,
Унда мени жим соғинади
Кўз ёшлари туганган онам.
Деразадан бери — тўрт девор,
Тўртови ҳам доно, файласуф:
«Курашавер! Фақат олға бор!..»,
Улар менга таълим берар... Уф!
«Тўғри» дейман... Аммо бир парза
Қалбда портлар — кўздан оқар ёш...
Юрагимда соғинч — ҳар лаҳза
Улканлашиб боргувчи қуёш.
...Хайр, тоғлар! Иш вақти етди,
Иш!.. Бормасам тўхтайди замон...
Бағрингизда кўримсиз, митти
Тепа бўлиб қоламан қачон!

БРУТ

Падаримни Помпей ўлдирди.
Кўксимда ўч гурса-да музлаб,
Ватанимни суйгани учун
Мен Помпейга қиламан хизмат.
Цезарь, Ватан ўйнашинг эмас.
Цезарь, Ватан онадир фақат.
Волидани эъзозламоқ фарз,
Аммо хўрлаш —энг оғир лаънат.
Сени оқлаш мумкин эмас, йўқ!
Цезарь, мудҳиш гуноҳинг шулким,
Дўст-ёрларинг эл кўзига чўғ
Босишганда, қараб турдинг жим.
Мен Ҳақиқат эдим — бир четда
Титрар эди навқирон таним.
(—Молу дунё керакмас, сенга
Хизмат қилмоқ керак, Ватаним!)
Буюк эдинг, Цезарь, сен буюк!
Мен қаршингда чиққанимда даст,
Кутиб олдинг барибир суйиб,
Сездинг—ҳақни ўлдириб бўлмас...
Менинг эса сирли енгимда
Амрим кутар покиза ханжар.
Сен сенатнинг кўзи ўнгида,
Залга кириб келасан, Цезарь.
Тўйиб эркнинг қучоқларини
Сокин ўтда ёнар кўзларим.
Яланғочлаб яроғларини
Атрофингни ўрар дўстларим.
Капитолий узра чақнайди,
Яроқлайди қўлимда ханжар!
Мард кўзларинг мени пайқайди...
Буюк эдинг, Цезарь, нақадар—
Ўзинг зарбга кўксинг тутдинг жим,
Ўзинг сездинг сўнг бор тўлғониб,
Ҳақиқатни енголмас ҳеч ким,
У барибир келади ғолиб!

* * *

Моторлар гувлаган
Ушбу ҳаётда,
Қудратли, эй, илмий-техник
инқилоб,
Мангу савол билан қара ижодга—
Унга қолдир қоғоз,
қаламу довот!
Энди бошқарасан тезкор
давронни,
Энди худо бўлдинг ҳар ишга
қодир.
Шеърга —ҳушёр тутсин дея
замонни —
Кўзғолон қилмоқлик бурчини
қолдир.
Маддоҳ машинада учади шитоб,
Майли, унга қўш-қўш темирингдан
бер.
Қудратли, эй илмий-техник
инқилоб,
Ўзингни мақтатма, мағрур қолсин
шеър.
Сен шошиб боряпсан. Сен —
отилган ўқ.
Барибир кўрасан —кўзларинг
басир —
Гарчи давронингда Навоий-ку йўқ,
Ардоқла, Машрабинг кўп эрур,
ахир.

Усмон Носирнинг сўнгги туши

Мен ҳар ҳолда Тошкентда
эдим,
Хадрасида, ё Ўрдасида.
Эс-ҳушимдан айрилиб турдим
Кенг шаҳарнинг энг ўртасида.
Тонг отарга боқдим-да,
бирдан
Кўкрагимни қолдим қучоқлаб.
Уфқ нега қонга беланган,
Ким осмонни кетди
пичоқлаб!!.

МАҚСУД ШАЙХЗОДА МОНОЛОГИ

Суратимни чизмоқ учун
Оппоқ бўёқ танладинг.
Бу дунёга нега келиб,
Кетганимни англадинг.
Қулларимнинг тасвирига
Югуртирдинг оқ бўёқ,
Юзимни ҳам оққа бўя,
Юзим доим бўлган оқ.
Курашларда гарчи ёндим,
Шукур, виждон беямоқ,
Чизавергин имонимни:
Имонгоҳ — юрак оппоқ!
Хўш, нимани ўйлаб қолдинг,
Қандай бўлур теварак!
Ҳа, суратнинг теварагн
Бу дунёни чархпалак!
Бу дунёни тушунтирай:
У қуйимга сўз бўлди,
Мен дуч келсам қай одамга
Бир умрга дўст бўлди...
Йўқ, бекор гап!..
Дўстларимдан
Фақат яхшилик топдим...
Демак, сурат теварагин
Оппоқ бўёқда ёпгин!
Қора рангга қўл тегизма,
Шафқат ҳам керак андак!
Мен кечирдим, наҳотки, сен
Кечирмайсан, келажак...

ОНА ЎЗБЕКИСТОН СУРАТИ ҚОЛАР...

Кўнглим қолгани йўқ,
ёруғ оламдан.
Хаёлимда йўқдир
на виқор, на кин,
Барибир бир куни
сиздан кетаман —
Қайга кетганимни
билмайди ҳеч ким.
Мен ишга бораман,
ишдан қайтаман,
Кўксимда юрагим
урар, тинмайди.
Ўғлимга энг ширин
сўзлар айтаман,
Менинг йўқлигимни
ҳеч ким билмайди.
Дўстлар даврасида
гоҳ шароб ичиб,
Гоҳо оғу ичиб
ўлтираман жим.
Кўчада кезамган
одамлар кочиб —
Менинг йўқлигимни
билмайди ҳеч ким.
Табассум қиламан
таниш-билишга.
Дўконда навбатда
тураман ҳоргин.
Ҳеч кимни қўймайди
ортиқ ташвишга,
Ҳалақит бермайди
менинг йўқлигим.
Менинг кўкрагимда
ёниб, оқибат
Кул бўлар, соврилар
майда савдолар.
Унда қуёш каби
ловуллаб фақат
Она Ўзбекистон
сурати қолар.
Саволлар бермагин —
азобдадир жон,
Яхшилаб яшасанг
умр бу — қийноқ.
Қайдан қайтишимни
биламан аён,
Қайга боришимни
билмайман бироқ.

Усмон АЗИМОВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

23 ИЮЛЬ, 1982 й.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ

ЧИҚАРДИ

«СЎНГГИ НАВБАТДА»

Сценарий автори — А. СТЕПАНОВ.

Режиссёр — А. ЛАДИНИН.

Ролларда—В. МИШЧЕНКО, В. ФУНТИКОВ, Г. КОРОЛЬКОВ ва бошқалар.

Фильм Москва темир йўлида иш кўрган босқинчиларнинг яксон қилиниши ҳақида ҳикоя қилади.

Москва. 1945 йилнинг май ойи. Ҳатто ғалаба арафасидаги қувончли кунларда ҳам Москва милициясига бандитлар ва чайковчиларга қарши тинимсиз кураш олиб боришга тўғри келар эди.

Старший лейтенант Александр Смирнов яралангандан сўнг уйига қайтиб келди. Ўз уйи яқинидаги бозорга кириши билан у картачи қиморбоз Семеничга ва безорилар кампаниясига дуч келади. Унга собиқ фронтчилар ёрдамга келишади, улардан бири —Сергей исмли йигит тез орада Сашанинг яқин дўсти бўлиб қолади. Фильмнинг охирида, сиз ким деб ўйлайсиз — Сашанинг дўсти Сергей бандитларнинг бошлиғи эканлиги аён бўлади .Шиддатли якка-якка олишувда Саша хавфли жиноятчини қуролсизлантиришга ва уни адлия органлари қўлига топширишга муваффақ бўлади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

«БИЗ ҚЎШНИ ЭДИК»

Сценарий автори ва режиссёр —Н. ЛИРЧИКОВ.

Ролларда —Ж. ПРОХОРЕНКО, А. МАРТИНОВ, В. ВАСИЛЬЕВА **ва бошқалар.**

Фильм ўзгаларнинг ҳис-туйғуларини тушуна билиш, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурати ҳақида ҳикоя қилади.

Сергей ва Надя бир бирига қўшни эди. Сергей ёлғиз отаси билан, Надя эса ёлғиз онаси билан бирга яшар эди. Болалар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам бир-бирларига қўшниялардек муомала қилишарди. Тўсатдан —муҳаббат, икки ўсмир ўртасида романтик муҳаббат пайдо бўлади. Аммо, болалар ўз ота-оналарининг суҳбатини тасодифан эшитиб қолиб, улар турмуш қуришга аҳд қилганликларини билиб қоладилар....

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ФИЛЬМЛАРИ МАРКАЗИЙ СТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

ТОШКЕНТ ҚОҒОЗ ФАБРИКАСИ
целлюлоза-қоғоз саноатининг
БАЙКАЛЬСКДАГИ 2-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА
1982—83 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ ПРИБОРЛАРИ ВА АВТОМАТИКА БЎЙИЧА СЛЕСАРЛАР. САНОАТ УСКУНАЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЁРЛАР, ҚУРИТУВЧИ, ПРЕССЛОВЧИ, КЕСУВЧИ, СИЛЛИҚЛОВЧИ, ҚОҒОЗ-КАРТОН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ МАШИНАЛАРНИНГ МАШИНИСТЛАРИ.

Ёши 17 ва ундан катта, 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит-қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртига қабул қилинганларга ўрта махсус ўқув муассасалари даражасида стипендия ва ҳар ойда корхона ҳисобидан 42 сўм берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кирувчилар директор номига ёзилган ва танлаган ихтисослиги кўрсатилган ариза, ўқиш ёки иш жойидан характеристика, турар жойи ва оилавий аҳволи ҳақида справка, меҳнат дафтарчасидан кўчирилган нусха (ишлаётганлар учун), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида) тақдим этишлари лозим.

Паспорт ва ҳарбий ҳисобда турганлиги ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Ўқиш жойи —Байкальск шаҳрига етиб олишгача бўлган йўл харажатларини фабрика ўз зиммасига олади.

Билим юртини битирганлар доимий ишлаш учун Тошкент қоғоз фабрикасига юборилади.

ҲУЖЖАТЛАР 15 АВГУСТГА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, 5-почта бўлими, Куйбишев шоссеси, 23-уй, кадрлар бўлими (5-трамвайнинг «Ипподромная», 7, 26, 55, 52, 68«э», 106-автобусларининг «Узбум» бекати).

КИНО

23 ИЮЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЕНМА-ЕН ЯШАР ЭДИК» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«СЎНГГИ НАВБАТДА» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-98), **Қозоғистон** (16, 17, 18, 20.00, телефон 35-24-32), **Москва** (тоқ театрларда, телефон 33-05-01), **Хива** (телефон 32-78-02), **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-07).

«БЎШ ЎРИН» — **Қозоғистон** (15, 19.00 телефон 35-24-92), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ЎЗГАЛАР БАЗМИДА» —**Искра** (16, 18, 19.45), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

24 ИЮЛДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ШОИР ВА ИНҚИЛОБ»— **Москва.**

«ТЎҚНАШУВ»— **Дружба.**

«ДЕНГИЗ ЧОРЛАНДИ» — **Қозоғистон.**

«ТИНЧЛИКДАН МУҲИМ НАРСА ЙЎҚ». — **Искра.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЕНМА-ЕН ЯШАР ЭДИК» — **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«СЎНГГИ НАВБАТДА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-14-20), **Қозоғистон** (12, 13, 14, 16, 17, 18, 20.00, телефон 35-24-92), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Хива** (20.00, телефон 32-78-02), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«БЎШ ЎРИН»— **Қозоғистон** (11, 15, 19.00 , телефон 35-24-91).

«СУКУНАТ ҲАЯҚИРИҒИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ОФИЦИАНТ, ҲАҚИНГИЗНИ ОЛИНГ»— **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«КАРНАВАЛ»— **F. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 48-42-80).

«АЧЧИҚ ШЎВОҚ ЎТИ»— **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«ИСТЕЪФОДАГИ МАҚТАНЧОҚ НОҒОРАЧИ» —**С. Раҳимов номли** (18, 20.30, телефон 48-46-71).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИГА
сантехника асбоб-ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь-электриклар, электр монтёрлар, ишлаб чиқариш хоналарини супуриб-сидирувчилар, ҳаракатланувчи состав хизмати мастери, аккумуляторчи, катта инженерлар, ётоқхона тарбиячиси

КЕРАК

Метрополитендаги 4 сменали иш режими шароитида тунги сменадан сўнг икки кун дам олиш куни берилади. Юқорида кўрсатилган барча категориядаги ходимларнинг меҳнатига мукофот-системасига кўра ҳақ тўланади, бундай вақтда тунда қилинган меҳнатга қўшимча равишда тариф ставкасининг 35 процента ҳажмида ҳақ тўланади. Узоқ йил ишлаганлиги учун ходимлар моддий рағбатлантирилади.

Метрополитенда ишловчи ходимлар мамлакат темир йўлларн бўйлаб ҳар йили бир марта истаган манзилга бепул бориб-келиш ва метрополитенда бепул юриш, 50 процент чиқим билан формадаги кийим-бош олиш имтиёзларидан фойдаланадилар. Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин. Тошкент шаҳар. Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ
ЁЗГИ ТЕАТРИДА
23, 24 ИЮЛЬ СОАТ 20.30да.
АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ ЛИРИК ХОНАНДАЛАРИ
ҲАЛИМЖОН ВА ИЛҲОМЖОН ЖЎРАЕВЛАР
ИШТИРОКИДА

КОНЦЕРТ

ПРОГРАММАДА:
ЎЗБЕК, ТОЖИК, ҚИРҒИЗ, ТУРК, ИРОҚ, АФҒОН, ОЗАРБАЙЖОН ҚЎШИҚ ВА РАҚСЛАРИ.
Касса соат 12.00 дан очиқ.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

23 ИЮЛЬ СОАТ 19.30 ДА
СССР биринчилиги учун
«ЗЕНИТ» (Ленинград) —«ПАХТАКОР» (Тошкент)
командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Орджоникидзе районидаги 21-ҳунар-техника билим юрти томонидан **Эргашев Иногомжон Тўйчиевич** номига берилган 267809 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат университети томонидан **Санпова Мамлакат** номига берилган 382410 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ю. А. Гагарин номидаги Тошкент авиация техникуми
вакант вазифаларга

КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқитувчилар: сиёсий иқтисод, жисмоний тарбия, умумий электротехника ва электроника асослари.

Конкурс муддати — 10 августгача.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри. Куйбишев кўча, 12-уй, кадрлар бўлими.

ВАҚТНИ ТЕЖАНГ

Ҳар ойда сиз квартира, электр, телефон, болалар боғчаси учун ҳақ тўлайсиз. Агарда кирим кассаси ёпиқ бўлса ёки навбат катта бўлса, қандай афсусланасиз. Чиндан ҳам, ҳақ тўлаш жараёни ҳозирча кўп вақт оладиган серташвиш вазифа.

ШУНИНГ УЧУН ОМОНАТ КАССАЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Сиз жамғармангиз сақланадиган омонат кассага ўз шахсий ҳисобингиздан у ёки бу муассаса, корхона, ташкилот ҳисобига маълум маблағни ўтказиш ҳақида топшириқ беришингиз мумкин.

Топшириқни бир ойга ёки узоқ муддатга —бир кварталга, бир йилга берса бўлади. Пулсиз ҳисоб-китоб ҳақидаги топшириқни расмийлаштириш учун зарур бланкаларни истаган омонат кассасидан олиш мумкин.

Омонат кассалари орқали пулсиз ҳисоб-китоб қилиш —ҳақ тўлашнинг энг қулай усулидир. У вақтни тежаш билан бирга квартира, коммунал хизмат, телефон, болалар боғчаси, ясли, ўқиш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлайди.

Енгил автомобиль сотиб олинаётганда ҳам омонат кассалари орқали пулсиз ҳисоб-китоб усулидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун омонат кассага ихтисослашган автомарказ томонидан берилган билдириш-мажбурият қоғозини тақдим этиш лозим. Ана шу ҳужжат асосида маълум маблағ автомагазин ҳисобига ўтказилади.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг
ТОШКЕНТ КЕЧКИ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНИКУМИ
КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА ВА ЎРТА МАКТАБ БАЗАСИДАГИ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА МАШҒУЛОТЛАР ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ГРУППАЛАРГА
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ

кундузги ўқишга: металларга қирқиб ишлов бериш машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш;

Кечки ва сиртқи ўқишга: металларга қирқиб ишлов бериш, асбобсозлик ишлаб чиқариши, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш;

Ўқиш муддати — таълим формаси, ихтисослик ва маълумотга кўра 2,5 йилдан 4,5 йилгача.

Техникум директори номига ёзилган ариза қуйидаги ҳужжатлар билан қўшиб топширилади. 8-синф маълумоти тўғрисидаги ёки ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (286-форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 4 та фотосурат. Паспорт бевосита олиб келиб кўрсатилади. Аълочилар, медаллилар, кириш имтиҳонларига киритилган фанлар бўйича фахрий ёрлиққа эга бўлган абитуриентлар ҳамда саломатлиги, ёши ва штат қисқариши муносабати билан запасга бўшатилган СССР Қуролли Кучларининг офицерлари, прапорщиклари, мичманлари (запасга бўшатилганларидан кейин икки йил давомида) техникумга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар. Қолганлар қуйидаги фанлар бўйича имтиҳон топширадилар: рус (ўзбек) тилидан —8-синф маълумоти бўлганлар диктант; рус (ўзбек) тили ва адабиётидан — 10-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар иншо, математикадан (оғзаки).

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ БАРЧА ТЕХНИКУМЛАР УЧУН БИР ХИЛ.

Мактабни, ўрта ҳунар-техника билим юртларини «4» ва «5» баҳолар билан битирган ёшлар сиртқи бўлимининг барча ихтисосликлари бўйича кундузги бўлимга— металларга қирқиб ишлов бериш ихтисослиги бўйича кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Қабул ҳақидаги справкаларни техникумнинг қуйидаги адресда жойлашган қабул комиссиясидан: Тошкент шаҳри, 48-алоқа бўлими, Сельмаш кўчаси, 6-уй, (4, 13, 15, 27-трамвайларнинг «Ташми» бекати); (3, 8, 10, 16, 21; 48, 72-автобусларнинг «Ташсельмаш» заводи» бекати). Телефонлар: 66-82-76, 66-83-57 ҳамда техникумнинг қуйидаги филиалларидан олиш мумкин.

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» **заводи ҳузуридаги** — Ж. Обидова кўчаси, 214-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртидан.

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» **заводи ҳузуридаги** — Ш. Руставели кўчаси, 53«а»-уй. Телефон 53-94-56.

«ТГЗ» **заводи ҳузуридаги** —«Ташавтомаш» массиви. Телефон 69-83-97).

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси
ва Тошкент экскаватор заводи базасидаги
86-ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982—83 ўқув йилига
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРДА ИШЛАЙДИГАН ТОКАРЬ, УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ ИНҒУВЧИ-СЛЕСАРИ. МЕХАНИКА-ИНҒУВ ИШЛАРИНИНГ СЛЕСАРЬ-МЕХАНИГИ. САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ. ГАЗ-ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. ТЕХНИКА КОНТРОЛИ БЎЛИМИ КОНТРОЛЕРИ. АВТОСЛЕСАРЬ. ЭЛЕКТР КЎПРИКЛИ КРАН МАШИНИСТИ. **15 ёшдан бошлаб қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил:**

МЕТАЛЛ БЎЙИЧА ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ. **Стипендия — 80 сўм;** САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА РЕМОНТЧИ-СЛЕСАРЬ. **Стипендия — 70 сўм;** МЕХАНИКА-ИНҒУВ ИШЛАРИНИНГ СЛЕСАРЬ-МЕХАНИГИ. **16 ёшдан бошлаб қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1 йил:**

ЭЛЕКТР КЎПРИКЛИ КРАНЛАРНИНГ МАШИНИСТИ. **Стипендия — 70 сўм.** ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. **Стипендия — 30 сўм;** ТЕХНИКА КОНТРОЛИ БЎЛИМИ КОНТРОЛЕРИ. **17 ёшдан бошлаб қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1 йил.**

Қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, дам олишда кийинадиган ва иш кийимлари билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртида иккита техника ижоди тўгараги, радиоҳаваскорлик, фототўгараклари, 8 та бадиий ҳаваскорлик тўгараги, музика ансамбли, ўзбек халқ чолғу асбоблари, вокал-чолғу ансамбли ишлаб турибди. Спортнинг 10 та секцияси мавжуд.

Ўқувчилар ёзги каникулларда «ЧИМЕН» лагерига ҳамда Ватанимизнинг қаҳрамон шаҳарларн бўйлаб туристик сафарга чиқадилар.

Билим юртини битирганлар институт ва техникумларга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома ёки аттестат, турар жойидан, медицина справкаси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 см ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи», 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони бекати). Телефон 35-61-30.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

23 ИЮЛЬ— ЖУМА

Марказий телевиденениенинг «Восток» программаси

17.40 «Шахмат мактаби». 18.10 «Оддий мўъжизалар». 18.40 «Миср: йиллар ва муаммолар». 19.00 «Ўрмон қучоғида». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Москва бўйлаб сайр». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 «Халқ чолғулари садолари». Зарбли асбоблар. 20.30 «Бешинчи баҳор». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 М. Горький номли Москва Бадиий Академик театрида ёш ишчилар, колхозчилар, студентларнинг СССР Москва Бадиий Академик театри ҳузуридаги В. Немирович-Данченко номли мактаб студиясининг битирувчилари билан учрашуви. 23.00 «Дунё воқеалари». 23.20 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

Марказий телевиденениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.50 «Ерда, осмонда ва денгизда». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «1985 йил қўшиқлари». Ереванда олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Учинчи ўлчаш». Кўп сериали телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. «Трап қирғоқда қоладн».

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Айиқ ва қуён». Мультфильм. 18.05 «Шеърият дафтаридан». Ўткир Рашид. 18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.45 «Ахборот». (рус.). 19.00 «Ҳамкорлик шартномаси— амалда». «Тошкент тўқимачилик комбинати: реконструкция муаммолари». «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ва Ўзбекистон телевиденнесининг биргаликдаги рейди. 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —Зенит» (Ленинград). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —«Ахборот». 21.15 «Тоғ қўлларининг сири». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»). 21.30 Москва «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 Алп Жамол «Ғизғизон». телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 24.00 Янгиликлар

24 ИЮЛЬ — ШАНБА

Марказий телевиденениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 Ереван шаҳар болалар бадиий коллективларининг концерти. 10.15 «Фёдор Трофимович ва бошқалар...». 3-кўрсатув. Кўрсатувда Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун иштирок этади. 10.45 «Спортлото»нинг 30-тиражи. 10.55 «Жаҳон халқларининг ҳиди». 11.25 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 12.00 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. Тинч океан флотининг 50 йиллигига. 13.30 Болалар учун фильм. «Қуруқликдаги довул». 14.50 «Дунё воқеалари». 15.05 «Ҳайвонот оламида». 16.05 «Эртага — Савдо ходимлари куни». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Савдо министри А. И. Струев иштирок этади. 16.30 «Табрикларимизни қабул этинг». 17.15 «Золушка». Мультфильм.

17.35 Сиёсий шарҳловчи В. И. Бекетов суҳбати. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Тула область партия комитетининг биринчи секретари Ю. Х. Юнак иштирок этади. 18.20 «Мойт ориоль» Телевизион спектакль премьераси. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев). «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 23.50 Янгиликлар.

Марказий телевиденениенинг иккинчи программаси

17.30 «В. В. Неждановани эслаб». 18.45 «Ҳалқаро обзор». 19.00 Улуг Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1946 йил. 20.00 «Музикали киоск». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». 21.30 «Время». 22.05 «Тузатилган тўғри». Бадиий фильм.

Узбекистон телевиденнесининг программаси.

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Ёвуз». Бадиий фильм. 11.45 Болалар учун. «Кувноклар даврасида». 12.15 СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига «Денгизчилар мактаби». (рус.). 12.45 Ўзбекистон телевиденнеси ҳалқ чолғулари ансамбли иштирокида ўзбек куйлари. 13.10 «Жаҳоннар постда». 13.40 Савдо ходимлари кунига. «Табассум учун миллион». «Кичкинтой». Телефильмлар. 14.30 Шахмат мактаби

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Фарзандлим — жигарбандим». Н. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50да Қозоғистон ССР ҳалқ артисти Гулвира Розиева куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Мустаҳкам оилага бахт тилаймиз». 22.30 «Экранда — кинокомедия». «Маҳаллада дув-дув гап». 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент ҳисоб-бухгалтерлик техникуми коллективи шу техникумнинг ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари У. Йўлдошевга онаси

Маҳкамбиби ЭШМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

4 ТОШКЕНТ бет ОКШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000 Тошкент — ГСП Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —32-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар ҳўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-61-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчиларн —33-90-50.

23 ИЮЛЬ, 1982 й. Р— 02115. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691